O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

# Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси

1999 йил, 16 феврал | 7 (180)- сон

*Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 516 йиллигига*

## БОБУР ВА БОБУРИЙЛАРНИНГ ИЛМ ВА КИТОБСЕВАРЛИГИ

**Англиялик машҳур шарқшунос олим Уилям Эрскин Бобур ва Ҳинд Кўрагонийлари ҳақида кўплаб илмий изланишлар қилган. У «Бобурнома»нинг мутаржими ва Бобурнинг ўзи ва фарзандлари ҳақида икки йирик китоб муаллифидир.**

**Унинг «Эрон ва Бобур» номли йирик китобида Бобур ва фарзандларининг адолати, илмсеварлиги, илм-ҳунар ривожи учун қилган хайрли ишлари ҳақида сўз юритилади.**

**Биз Бобур халқаро жамғармаси таклифига биноан «Эрон ва Бобур» китобини ўзбек тилига таржима қилдик. Бобур таваллудининг 516 йиллиги муносабати билан шу китобдан Бобур ва фарзандларининг китобсеварлиги ҳақида ёзилган бобнинг қисқача таржимасини ҳурматли «МТ» ўқувчиларига тақдим этамиз.**

**М. ХАЛИЛ ЁРҚИН**

Бобур илму санъат аҳлидан бўлгани учун китобни севиб, китобхона бунёд этишни орзу қиларди. У туркий ҳамда форс тилларини яхши билиб, иккала тилда шеър ёзарди. Ҳиндистонга боргандан сўнг ҳиндчани ҳам ўрганди.

Бобур Фарғонада бўлган вақтларда кутубхона тузиш фикрида эди, лекин ушбу эзгу ниятини Ҳиндистонда амалга оширди ва Деҳлида кутубхона учун алоҳида махсус бино қуришни буюрди. Шу пайтгача бутун Шарқда қадимдан қанча йирик кутубхоналар бўлса ҳам, кутубхонага хос иморат қурилмаган эди. Китоблар саройнинг бир-икки хонасида сақланарди. Фақат Бобур биринчи бўлиб ўз кутубхонаси учун алоҳида бино қурдирди.

Қадимда Искандария ва Мадоин шаҳарларида машҳур кутубхоналар бор эди, лекин уларда илмий китобдорлик фани мавжуд бўлганми-йўқми, ҳозиргача бизга номаълум. Китобдорлик фанининг янгича усули биринчи бор Бобур кутубхонасида қўлланилди. Бу ишда атоқли, етук олимлар ва китобшунослар ёрдам бердилар.

Бобур кутубхонасида барча китоблар тил ва мавзу нуқтаи назаридан ажратилиб, ҳар тил ва ҳар мавзудаги китоблар кутубхона рўйхатида махсус ўрни билан белгиланган эди. Умуман олганда, барча китоблар номи алифбо тартиби асосида ёзилиши ҳар бир тил ё мавзуга оид китобни осон топиб олишда ёрдам берарди.

Бобур кутубхонаси юқорида айтиб ўтилган китоблар таснифидан ташқари «Қомусул-аълом» нуқтаи назаридан ҳам ажратилган эди. Бундай қулай усул ҳаттоки ҳозиргача ҳам жаҳоннинг айрим йирик кутубхоналарида қўлланилмайди. Мисол учун ҳар бир киши кутубхонадан Искандар номи зикр этилган китобларни топмоқчи бўлса, ушбу мақсадига зудлик билан эришарди, чунки машҳур сиймолар номи асосида тузилган фиҳрист бу ишда яхши ёрдам берарди.

**Давоми учинчи бетда**



**Бир пиёла чой устида...**
**Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар**

## ПРЕЗИДЕНТ СОВҒАЛАРИ

**Кеча Тошкентдаги 10-сон мактаб-интернат тарбияланувчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг совғалари топширилди. Совғаларни Президентнинг номидан Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов топширди.**

*Таклиф қиламан*

## ТЕЛЕВИЗОРНИ ЎПГАН ОНАХОН

Рўзаи моҳи рамазон кунларининг бирида қўшнимиз Зулайҳо хола бизникига чиқдилар. Биргалашиб ифторлик қилдик. Сўнг телевизор кўрдик. Шу пайт «Ҳидоят сари» кўрсатуви бошланиб қолди. Телеэкранда Қобилжон қори Одилжон ўғлининг чеҳраси намоён бўлди. У ўз сўзларини эндигина бошлаган ҳам эдики, Зулайҳо хола телевизор экранига яқинлашиб келдида, Қобилжон қорининг «юзи»дан ўпиб олди. Ёши саксонни қоралаб қолган онахоннинг бу қилиғидан ҳайрон бўлдик.

— Шу ўғлимни жуда яхши кўраман-да, — деди кампир. — Худо умрига умр қўшсин.

— Тинчликми хола? — дедим.

— Жудаям ажойиб гапларни гапиради. Эшитиб, мазза қиламан.

Ана сизга мукофот. Кўрсатувингиз мана шунчалик эътиборли бўлса, ёшу қарини ўзига жалб қилади. Яйпанлик бир нуроний онахонники дилини шод этиш Қобилжоннинг қўлидан келибди, демак, у бутун республика мусулмонлари қалбидан маълум маънода жой олибди. У кўрсатувни қўшиб-чатмасдан, даромад гапларни кўпайтирмасдан олиб бораётгани учун ҳам шундай ҳурматга лойиқдир. Шундай ажойиб кўрсатувлар кўп, бироқ шулар билан бирга телекўрсатувлар хусусида баъзи таклифларимиз ҳам йўқ эмас.

«ЎзТВ-I» ҳали ҳам чет каналлар таъсиридан қутулган эмас. «Ахборот», «Реклама», «Ўзбекистон канали», «Иқтисодиёт» ва бошқа кўрсатувларда берилаётган мусиқалар уларнинг мазмунига мос эмас. Кўрсатувлар муаллифлари дилга ҳузур бахш этадиган мусиқани танлашлари шунча қийин ишми? Юракни жунбушга, жонни ҳиқилдоққа келтирадиган мусиқалардан воз кечиш фурсати келмадимикан? Фаранг файласуфларидан бири «Мусиқа — қимматга тушган шовқин» деб бежиз айтмаган.

Ўзбекистон — ўз миллий қиёфасига эга мамлакат. Бу юртда ўз ижодкорларимиз қолиб, хориж мусиқасини бош планга олиб чиқиш унчалар тўғри эмас. Чет эл мусиқаси шинавандалари учун кўрсатувларда истаган санъаткор ва мусиқа асари берилаверсин. Бизга ёқмайдиган мусиқаларни оммабоп кўрсатувларга тиқиштириш маъқул иш эмас.

Хулоса қилсак, бизга «ўпса» арзийдиган кўрсатувлар жуда-жуда керак. Бу ишни телевидение амалга оширишга қодир. Фақат озгина эътибор бўлса, бас!

**Тўхтасин МИРЗАРАҲМАТОВ**
**Яйпан**

## ЎҚИТАЙЛИК — ЎҚИШГА ВА БИЛИМ ОЛИШГА ЎРГАТАЙЛИК

*Очиқ мулоқотлар*

Илм қадрланган — илмга эрк берилган замонда тараққиётнинг янгидан-янги имкониятлари кундан-кунга очилаверади, ижобий кашфиётлардан юрт яшнайди. Илмда ҳикмат кўп. У эл қудратининг кони. Бу ҳикмат ва қудрат илмли кишилардан ҳосил бўлади. Юртнинг мавқеи унинг илми дониш кишилари билан белгиланиб келади. Илм мамлакатдаги юксалиш мезони саналади.

Мустақил ватанимизда бугунги ёш авлоднинг билимга муносабати, ўқув ишлари қай даражада, таълим соҳасидаги ислоҳотлар жараёни қандай кечмоқда — Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Ғаниевич Йўлдошев Ўзбекистон Миллий матбуот марказида журналистлар билан ўтказилган пресс — конференцияда ана шулар хусусида тўхталди:

— Таълимни ислоҳ қилиш асосан тўрт йўналишда амалга оширилаяпти. **Биринчиси**, аввало таълимнинг мазмунини ислоҳ қилиш, яъни дарслик ва қўлланмаларни кўриб чиқиб, қайта ёзишга киришилди. Бу борада 23 предмет бўйича ўқув китоблари тубдан янгиланди. Улар ўқув даргоҳларида синовдан ўтаяпти. **Иккинчи**, таълим бошқарувини бозор шароитларига ўтказиш. Бунда аввалгидай юқоридан тушган буйруқ асосида ишлаш эмас, ташаббусларнинг қуйидан чиқишига қараб иш тутиш, ўқувчи, ўқитувчиларнинг хоҳиш-иродаси, мулоҳазалари билан танишиб, ташаббусларни қўллаб-қувватлаш йўлидан борилади. Чунки, бизнинг бош мақсадимиз эркин фикрловчи шахсларни тайёрлашдир. У нафақат фикрлаши, балки фикрида собит туриши, уни ҳимоя қила билиши ҳам керак, ким нима деса ўйламай бажариб кетавериши эмас. Фикрловчи шахс — янгилик яратувчи, демакки, жамиятни янгиланиб боришида иштирок этувчидир. Учинчи, таълимнинг иқтисодий — молиявий асосларини яратиш. Тўғри, бу жиҳатдан 12 йиллик таълим давлат бюджети томонидан кафолатланди. Лекин давр-замон янги, қўшимча асосларни ҳам топиб боришимизни тақозо қилади: педагогик сервис, педагогик хизмат, маиший хизматни олиб кириш фойдадан холи эмас, албатта. Мана, чет тилларни ўргатиш марказлари ишлаб турибди. Ёки кўпчилик ота-оналар фарзандларига репетитор тайинлаб ўқитаяптилар ва ҳакозо. Лекин, буларнинг барчасида конунийликка амал қилиниши шарт. **Тўртинчи**, ўқув жараёнига янги педагогик технологияларни олиб кириш. Бир сўз билан айтганда, биз ўқитмайлик — ўқишга ўргатайлик, билим бермайлик — билим олишга ўргатайлик.

Дарс жараёнида фақат жимликнинг ҳукм суриши, ўқитувчининггина гапиравершидан ҳаётий натижа бўлмайди. Ўқувчи аввало ўзи мустақил манбаадан фойдаланишни билсин, ундан конспект олишга, тезис тузишга, тезисни ўзлаштиришга, ниҳоят ўзлаштирган билимларидан ўзининг мустақил фикри сифатида фойдаланишга ўргансин.

Шунингдек, вазир жаноблари кейинги йилларда кадрлар малакасига алоҳида аҳамият берилаётгани, ўқитувчилардан тортиб, туман таълим мудирларигача тест синовларидан ўтказилиб борилаётганини айтиб ўтди. Ҳамда дарс жадваллари, ўқув режасини тузишда қуйидан тушган талаб-таклифлар, имкониятлардан келиб чиқиб режалаштиришнинг ўзига хос хусусиятларига доир фикр-мулоҳазаларини билдирди. Мактабга илк қабул қилинаётган болаларни тиббий кўрикдан ўтказиш, уларнинг ёши (бизда 6-7 ёшдан қабул қилинмоқда), лаёқати нуқтаи назаридан, жисмонан ва ақлан тайёргарлигини аниқлаш зарурлигини гапириб ўтди.

Шу билан бирга, айни пайтда табақалаштирилган таълимга ўтишнинг моҳияти, заруратини изоҳлаб берди: «Бешинчи синфда боладан сўраб, у билан суҳбатлашиб, унинг қобилияти, интилиши, нимага қизиқишини ҳисобга олган ҳолда, билимнинг маълум йўналишига жалб қилинади. Ва натижада танланилган соҳа бўйича у академик билим олишга эришади, келгусида ўз мукаммал билимидан фойдалана билади, фойда беради. Демак, фойда ололмайдиган — ўз ҳаётида ишлатолмайдиган, бошқача изоҳлаганда, абстракцион билимларни қуруқ тинглашга вақт — умр сарфламайди. Бу — истиқболли йўналиш, бир сўз билан айтганда, XXI аср — ихтисослаштирилган мактаб қўлида, унда олинган билимларнинг ҳаётда қўлланилишидан ҳаракат олади.

Хуллас, ислоҳотларнинг мағзи шундаки, узоқ йиллар таълим марказида дарслик, дастур ва режалар турган бўлса, энди таълим марказида ўқувчи шахси, ўқитувчи шахси, ота-она (қонунда ота-она фарзандини ўқитишга мажбур деб белгиланган), қолаверса, маҳалла, жамоатчилик турибди. Ҳаммамиз ҳам шахс камолоти учун бирдай масъулмиз, яъни таълим фақатгина мактаб зиммасида, ҳаммадан айрича бир ҳолда эмас.

Кўриб турибсизки, таълимга ислоҳотларга мос турли шакллар олиб кирилди. (махсус академик лицейлар, коллежлар), бу жараён давом этмоқда. Шунингдек, ўқувчиларнинг билимини баҳолаш системаси ўзгарди — кўп балли рейтинг ўзини тажрибаларда оқламоқда.

Аммо ислоҳотларнинг мамлакатимизнинг чекка-чеккаларига етиб бориши ва амал қилиши анча қийин кечмоқда. Шунинг учун буни биз махсус тест назоратига олиб, жойларда ўзлаштириш даражасини аниқлаб, ахборотномаларда солиштирув шаклида графигини бериб боришга киришдик».

Ҳурматли вазир Ж. Йўлдошев мактабгача таълим-тарбия муассасалари тўғрисида ҳам сўзлаб, асосан иқтисодий сабабларга, яъни кўпчилик хўжаликлар банкротга учраганлиги боис мингга яқин боғча ёпилганлиги, эндиликда боғчаларни босқичма-босқич давлат бюджети ҳисобига ўтказилишини, бундан ташқари, боғчаларнинг ҳам турларини кўпайтириш, (боғча — мактаб бошланғич синфлари, уйбоғчаси, фермер хўжалиги қошидаги боғча...) мақсадга мувофиқлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими раҳбарияти билан ўтказилган ушбу мулоқотда «Таълим тараққиёти» ахборотномаси илк нишона сонининг тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. Давлат таълим стандартлари мониторинги бошқармаси бошлиғи, «Таълим тараққиёти» ахборотномасининг бош муҳаррири Рустам Аҳлиддинов вазирликнинг махсус ахборотномаси бўлган «Таълим тараққиёти»нинг мазмун-моҳияти, мақсадини, бу янги нашрнинг айни зарурат эканлигини таҳлилий мисоллар билан изоҳлади.

Матбуот конференциясида журналистлар ушбу соҳага доир ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

**Дилором МАТКАРИМОВА**

***«Миллий тикланиш» газетасининг миллий тикланиш йўлидаги барча саъй-ҳаракатларини жуда юксак қадрлайман. Унинг 5 январ сонидаги «Миллий муҳаббат туйғуси: у нима?» сарлавҳаси остида газетхонларга берилган саволларига жавоб йўллаш истаги туғилди. Булар албатта менинг шахсий фикрларимдир. Бу тахлит суҳбатлар ҳаммамиз учун, миллат учун фақат фойда келтиради деб ўйлайман. Саволлар жавобхонаси, таъкидланганидек, чиндан ҳам йил даврасига айланишини истаб, ҳамсуҳбатларни чорлаб қоламан. Зеро, газета фикр-мулоҳазалар майдони, сўз минбаридир.***

## МИЛЛИЙ МУҲАББАТ ТУЙҒУСИ: У НИМА?

*Мухлисона*

**1.** Миллий фахр туйғусининг мурғак қалбда пайдо бўлиши бола онгининг шаклланиш жараёни билан боғлиқ деб ўйлайман. Тўғри, жуда ёшлик пайтларидаёқ боланинг тилида бу туйғу бийрон жаранглаши мумкин, лекин унинг дилида бу ҳис ҳали турғун бўлмаган бўлади.Бу табиий жараён, боланинг ёши улғайган сари унинг ҳаракат ва фикр доираси кенгая боради, бундай тушунчаларни идрок қилиш бошланади. Миллий муҳаббат туйғусини мактаб ҳаёти уйғотади десам хато бўлмас. Бир куни қишлоғимизда ғаройиб манзаранинг гувоҳи бўлганман. Эрталаб мактабга бораётган бир гуруҳ болалар овозларини баралла қўйиб қўшиқ айтишарди. Бу нафақат мен, балки жуда кўп қишлоқдошларни ҳам таажжуб ҳиссига чулғаган эди. Улар (аксарияти бошланғич синф ўқувчилари) давлатимиз мадҳиясини жўровоз бўлиб айтиб, гуруллаб кўчани тўлдириб боришарди. Албатта уларга ҳеч ким бундай «юриш марши»ни буюрмаган. Мана шу ҳолатнинг ўзидан жуда кўп нарсани ойдинлаштириб олса бўлади. Давлат мадҳиясини ёш болалар оддий бир шеър ёки қўшиқ тарзида талқин этади ва қабул қилади. Бир ўқувчининг янги йил кечасида Қорбободан совға олаётганида давлат мадҳиясини шеър сифатида тақдим қилганлиги ҳам бунга бир исбот. Мактабдаги катта ёшли болалар Ватан, халқ тушунчаларини, улар билан фахрланиш туйғуларини анчайин идрок қилган бўладилар. Мактабда ватанпарварлик, ахлоқий, меҳнат, нафосат, экологик ва бошқа тарбияларни олиб боришда миллий фахрланиш туйғусини ўстириш ва шакллантириш учун кенг имкониятлар мавжуддир.

Миллий нафсоният ҳақида. Миллий нафсоният миллийликнинг ҳимоя пардасидир. Ғурурини йўқотган халқда миллий нафсоният бўлмайди. Яқин ўтмишда маҳмадона сиёсатдонлардан бири Владимир Жириновскийнинг «Ўзбекистон Россиянинг бир губернияси, уларнинг мустақил давлат бўлишга ҳақлари йўқ» қабилидаги уйдирмалари, қаламкаш Генрих Боровикнинг «Самарқандда қурилган ёдгорликларга ўзбекларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ» деган бошдан-оёқ бўҳтондан иборат қуруқ чиранишлари миллий нафсониятга чуқур тегадиган ҳолатлардир.

**2.** Ватан ва миллат эркини ватанпарварлик туйғуси асрайди. Бу худди ўша миллий муҳаббат туйғусининг ўзидир. Бугунги кунда Ватаннинг миллий тикланиши, тараққиёти, келажаги учун жон куйдириб курашаётган юртдошларимиз билан бир қаторда қурт мисоли ўз қобиғига ўралган, қорин қайғуси билан яшаётган кимсалар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Дунёни сув боса ўрдакка не ғам деганларидек, бу хил тоифадаги кишиларга қандай давлат бўлганлиги (мустақилми, мустамлаками) барибирдир. Фақат улар еб-ичсалар бўлди. Бу қатламга суяниб бўлмайди — чунки ўз нафси манфаатларига зид келган нуқтада туз еган туздонига тупуриб кетаверадилар. Юракларда ватан туйғусини чўғлантириб туришда матбуот, радио-телевидение чиқишларини юксак савияга кўтариш керак бўлади. Ҳозирча телевидение кўрсатувлари жуда саёз. Бу саёзлик кишининг ғашини келтиради. Шу хилда дид ва онгни ўстириб бўладими? Одамларни ҳайрат денгизига ғарқ қиладиган, ҳам дил, ҳам дид очар кўрсатувлар ташкил қилиш талант аҳли, чин ижодкор учун наҳотки шунчалик қийин бўлса? Ижодий ташаббус етишмаётганга ўхшайди.



Маҳалла институтлари, халқ дорилфунунлари, яшил чойхоналар каби кўринишдаги тарбия, савия, руҳиятни кўтарувчи куч берадиган шаклларни излаб топишимиз керак. Мазкур халқ муассасаларига барча матбуот нашрларининг йиғма-жилди, сиёсий-ижтимоий адабиётлар етказиб берилиши лозим. Бу ердаги мутолаа, фикр алмашинувлар, суҳбатлар албатта миллийлашувга таъсир беради.

**3.** Менинг назаримда миллий масъулият миллий ғурурни ва миллий тубанликни тартибга солиб турувчи бош мезондир. Аслини олганда фақат ғурурга берилган, тор маънодаги миллийлик миллий қадриятларни топтовчи миллий тубанлик билан баб-баробардир. Миллат зиммасида миллий масъулият бўлган тақдирдагина бошқа халқлар маданиятини, умумжаҳон халқлари эришган оламшумул маънавий ютуқларни тан олади, миллий бойликларни авайлаб-асрайди, уларни келажак авлодларга етказади.

**4.** Тарбия — ҳаётнинг ҳам, жамиятнинг ҳам асосидир. Ибтидоий жамоа тузумидан то ҳанузгача бўлган барча ижобий ўзгаришлар ана шу тарбиянинг маҳсулидир. Ҳозирги ўта ривожланган ва ўта мураккаб даврда бордию тарбияда сал оғиш кетса борми, жамиятни ҳам оғишга олиб келади. Худди шу жиҳатдан қаралганда, тарбия абадий, эскирмас мавзудир. Тарбияда бу оила, бу мактаб, бу матбуот деб айрича қарамаслигимиз керак. Тарбия билан бутун бир жамият шуғулланади. «Катталар» матбуотида бериладиган болалар тарбиясига оид долзарб мақолалар қайси ота-онани бефарқ қолдиради деб ўйлайсиз? Болалар матбуоти бевосита болаларнинг ўзини тарбияласа, **катталар матбуоти катталар орқали болаларни тарбиялайди.**

**5.** Аёл бўлмаса миллат ҳам бўлмайди.

**6.** Халқаро ва замонавий қўшиқларнинг кўпини ёқтираман. Мусиқа ва шеърият қалбда туғилиб, руҳиятга кўчган нарсалардир. Шунинг учун у руҳиятни кўтаради, одамга ҳузур бағишлайди. Қўшиқлар мумтоз, эстрада, замонавий турларга бўлинса-да, уларнинг халқчил, оммабоплари бўлади. Масалан, «Фиғон-ким...», «Мустаҳзод» каби қўшиқлар ёшу кексани бирдек сеҳрлаб қўяди. Албатта мусиқанинг тарбияга таъсири каттадир. У оғринган руҳиятни енгиллатади, юрак чигалликларини ёзади, одамга гўзаллик, нафосат, бағрикенглик, эзгулик, шукроналик, келажакка ишонч, ширин орзу ва ҳавас ҳадя қилади. Қўшиқ билан ошно тутинган қалблар саховатли, меҳр-муҳаббатли, бокира, имонли бўлади. Мусиқа олами инсон такомилининг узви бўла олади.

**7.** «Мусулмончилик» тушунчаси билан миллийлик тушунчаси моҳиятан бирдек туюлгани билан улар ўртасида анчайин фарқлар ҳам мавжуддир. Мусулмончилик VI асрга, миллийлик эса насли ўзбекнинг ибтидосига бориб тақалади. Мусулмончилик ҳудудан кенг қамровли бўлса, миллийлик мазмунан кенг қамровлидир. Мусулмончилик бизда асосан шакл, унинг ичидаги мазмун миллийликдир. Араб кишиси билан ўзбек кишисини бир жойга қўйиб, ижтимоий ҳаракатларини кузатсангиз, бунга амин бўласиз. Ота-она билан фарзанд, устоз билан шогирд, аёл билан эр ўртасидаги бугунгача яшаб келаётган таомилларнинг мусулмончилик ҳаракати билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. Маданий ва маънавий қадриятлар борасида биз ўша давр арабларидан бир неча баробар юқори даражада бўлганмиз. Худди шунинг учун ҳам дин асослари бу ерда синтезлашув жараёнини бошидан кечирди. Дин назарияси, унинг амалий тартиб-қоидалари, фиқҳ қонунлари бизда яратилди.

Фикримча, мусулмончилик қон-қонимизгача сингиб кетган ҳозирги даврда ҳам мусулмончиликни миллийлик даражасига кўтариб бўлмайди. Миллийлик азалий қадриятларни замонавий ютуқлар билан бойитиб борувчи доимий, айтиш мумкинки, абадий ҳаракатдаги жараёндир.

**8.** Бу сирли ва бевафо чархи кажрафторнинг азалий ўйини. Худди шу аҳли ғаламис туфайли Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Бобур ватангадолик азобини тортди. Улуғбек, Машраб, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий, Усмон Носир ва бошқа улуғ инсонлар туҳмат балосига учраб қатл қилиндилар.

**9.** Ичиш, чекиш, бузуқлик каби зарарли иллатлар турмуш тарзимизга раҳна солиб келаётганлигига анча бўлди. Инсон боласи ҳар жиҳатдан пок бўлиб дунёга келади. Ҳамма гап шундаки, у мазкур иллатлардан қанчалик йироқ бўлмасин, шу иллатлар ичида туғилади. Чекувчи отанинг ўпкасидан қайтган заҳри дудни чақалоқнинг ютмаслигига, ичувчи онанинг сутга айлантирилган заҳри қотил зарраларини боланинг симириб олмаслигига ким кафолат беради? Буниям қўя туринг, ижтимоий ҳаётда кўрган-кўрмаганларигачи? Ҳавас, қизиқиш, майл, иштиёқ, орзу, интилиш, хоҳиш, истак — буларнинг ҳаммаси ёшликка хос бўлган, улар дунёқарашини ишғол қилиб олган жозибали руҳий-физиологик категориялардир. Улар ҳар нарсага ўч ва қизиқувчан, интилувчан ва ўзлаштирувчан бўладилар. Улар ҳали яхшиликка мафтункор, ёмонликка инкор сифатида қарай олмайдилар. Шунинг учун ҳам улар тақлидчан бўладилар. Халқимиз «Қуш уясида кўрганини қилади» деб бежиз айтмаган. Уйда ота, мактабда ўқитувчи, кўчада кўпчилик одамлар чекувчи бўлса, болаларни қандай қилиб чекишдан қайтариш мумкин?

Иллат ва миллат тўғрисида гапирадиган бўлсак, салбий иллатлардан миллий руҳият кўп озор топади. Энг ёмони шундаки, бу иллатлар бир-бирини бошлаб келади. Мана, биргина ичкиликнинг оқибати манзарасини қаранг: ичиш-мастлик-пастлик-қашшоқлик-бахтсизлик...

Бундай салбий кўринишларни тугатишда албатта миллий тарбия катта имкониятларга эга. Ҳар бир оила, ҳар бир маҳалла, ҳар бир мактаб ўз боласига масъуллик билан қараса, олам гулистон. Тарбиянинг асоси, меҳнатдир, тарбиясизликники эса бекорчилик. Мана унинг оқибат шажараси: меҳнат-бойлик-гўзаллик-тўкинлик-соғлик-бахт-саодат; бекорчилик-ялқовлик-касалликетишмовчилик-ўғирлик-тубанлик-тушкунлик-бахтсизлик...

Тарбия мақсадини яқин ўтмишдаги каби жуда мавҳум юксакликка эмас, қуйига — ижтимоий ҳаёт қатларига қаратиш керак.

**10.** «Отангга раҳмат» деган сўзни кўп эшитганман. Бундан доим ғурур ҳиссини туйганман. Афсуски, бор эса-да, шогирдлар даврасида ҳозир бундай илиқ муносабатлар кам учрайди.

**Зиёвуддин ҚЎЗИЕВ,**
**Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 40-ўрта мактаб директори**



**Новдалар бўртиб қолди...**

## КЎНГИЛГА ТАШРИФ

### «Саодат»нинг 1-сони чиқди

«Саодат»нинг аёллар кўнглидан меҳр, самимий кўзларидан нур инган, қалб умидларидан ёришган саҳифалари билан ҳар гал ҳам мухлислар тезроқ танишиш истагида бўладилар. Лаҳзада турфа жилоланиб, минг бир уфқдан фақат маҳбуби сари келавергувчи муҳаббат сингари «Саодат» аёлларимизнинг ҳамиша интиқ кўнгил хоналарига сўз, сурат, ҳайрат ёғдулари ила ташриф буюради. Неча йилларки, нозик қалбларга меҳру-муҳаббат каби яқин у, кўнгил бўлиб кетади гўё. Шунданми, унинг мухлислари йилдан-йилга ортади, уни дилга яқин ҳамроҳ тутадилар, чин ҳамсуҳбат биладилар.

Журналнинг бу йилги илк сонига назар ташлар экансиз, шарқона тимсол малаги сувратида Ўзбекистон Халқ артисти Рушана Султонованинг санъат саодати ила порлаган нигоҳидан дилингиз сирли талпинади. Сизга таниш бу чеҳраи мақсуддан нурлар рақс тушиб келаётгандай туюлади, беихтиёр рақсга завқингиз қўшилиб кетади. Журналнинг ички саҳифаларидаги сизни қизиқтирган, сиз кутган мавзуларга оид мақолалар мутолаасидан, илҳом тасвирлари томошасидан албатта шуурингиз янада нурафшон тортади, мулоҳазангиз тўлғинлашади.

«Тўйлар, маросимлар мазмунида ҳикмат бўлсин» сарлавҳаси остида эълон қилинган давра суҳбати аёлларимизнинг жамиятдаги ҳар бир ҳодисага ўзига хос мардона муносабатлари борлигини билдирса, Г. Жамилованинг «Миллат соғлигига оналар масъул» номли суҳбат — мақоласи шу муносабатнинг амалий ифодаси бўлиб, сизни ҳам фаол иштирокка чорлайди. Мирзо Улуғбек тумани Халқ суди раиси Тамара Тиллаева билан шоира Қ. Раҳимбоеванинг «Бахтнинг келиши қийин, кетиши...» сарлавҳали суҳбати ҳаёт, турмуш мураккабликларига таҳлилий муносабат сифатида диққатингизни тортади.

«Саодат» ҳамиша оилавий муомала-муносабатларнинг уйғунлигини истаб, ушбу мавзуни кенг ёритиб келади. Атоқли турк ёзувчиси, мутафаккир ва тарбиячи олим Аҳмад Шоҳиннинг Миразиз Аъзам таржимасида берилган «Эрхотинлик саодати» («Оила ҳаётимиз» китобидан олинган) номли мақола ҳам шу хусусда.

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Она руҳи» бадиаси, адиба Саломат Вафонинг «Ўн икки кун» ҳикояси, шоиралар Дилором Абдураҳмон қизи, Каромат Остонова ва Хурщидаларнинг шеърий гулдасталари, Р. Шомансурованинг «Ўғлим эшитмасин», «Табиатнинг ўзи шифокор» саҳифасидаги қизиқарли мақолалар ва бошқа турли материаллар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Чиндан ҳам Аёллар йилида «Саодат» севимли мухлисларига янги бир муҳаббат нурланишлари билан боқмоқда, кўнгилларга ёрқин саҳифаларни ҳадя қилмоқда, аёллар қалбини энг равшан манзиллар деб атамоқда.

**Д. ҚЎЗИЖОН ҚИЗИ**

## Бир ўқ атрофида айланар дунё

### УСОМА БИН ЛАДЕН ҚАЕРДА?

Толибларнинг вакиллари араб миллионери Усома бин Ладен ҳозир Афғонистонда эмас, унинг қаерга кетганлиги номаълум деб хабар тарқатдилар. Бин Ладен толибларнинг кўзини шамғалат қилиб, кутилмаганда номаълум томонга ғойиб бўлганлиги нима билан изоҳланаркин? Ёдингизда бўлса АҚШ бин Ладенни ўтган йили август ойида Кения ва Танзанияда Америка элчихоналари олдида портлаш уюштирганликда айблаб келмоқда.

### АМЕРИКА ЯНГИЛАНИШ ВА ЯРАШ ЙЎЛИДА

АҚШ Президенти Билл Клинтон Оқ уй олдидаги яшил ўтлоқда баённома берди. Жаноб Клинтон Америка халқини, барча америкаликларни янгиланиш ва миллий тотувликка даъват этди. Президентга қарши кўзғатилган импичмент жараёни тугади. Сенатдаги жума куни ўтган овоз беришдан сўнг Жаноб Клинтон ўз юксак лавозимида Президентлик муддати тугагунча қолади. Сенатнинг Президентга билдирган ишончи — бу америкаликларнинг — ишончидир.

*Фалсафий гурунглар*

# ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИМИ ЁКИ МИЛЛИЙ МАФКУРА?

## ОЛИМ МУАММО ҚЎЯДИ

*Биринчи мақола*

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов асарларини, нутқ ва маърузаларини ўқиган киши уларда маънавият ва маърифатни юксалтириш, кишиларимиз тафаккури ва дунёқарашини ўзгартириш, улар онгига Эрк ва Озодлик, Миллий мустақиллик ва Миллий ифтихор туйғуларини янада чуқурроқ, янада кенгроқ сингдириш масалаларига мунтазам равишда алоҳида эътибор бериб келинаётганига қатъий ишонч ҳосил қилиши мумкин. «Бу муҳим, ғоят долзарб масала бўйича бизнинг ёндошувимиз шундай: **биз кишилар дунёқарашини бошқариш фикридан йироқмиз, балки одамларнинг тафаккурини бойитиш, уни янги маъно ва мазмун билан тўлдириш тарафдоримиз»,** — деб ёзади юртбошимиз.

Масалага шу нуқтаи назардан қараганда, Президентимизнинг «Тафаккур» журнали ва «Туркистон» газетаси саҳифаларида эълон қилинган суҳбатлари улкан аҳамиятга эга. Ўз моҳиятига кўра яхлит бир бутунликка эга бу икки суҳбатда истиқлолимиз ва истиқболимиз тақдирига дахлдор бўлган миллий мафкурани яратиш билан боғлиқ бир-биридан долзарб ва мураккаб масалалар мантиқий изчилликда ўзининг чуқур фалсафий-назарий ечимини топган.

Шуни эътироф этиш жоизки, Президент томонидан миллий мафкурани ишлаб чиқиш зарурлиги ҳақидаги масаланинг қўйилиши ва унинг асосий хусусиятлари таърифлаб берилиши жамиятшунос олимларнинг, кенг жамоатчиликнинг ушбу муаммога қизиқишини янада кучайтирди.

Бугунги кунда миллий мафкурани яратиш зарурлиги ҳеч кимда эътироз уйғотмаса-да, илмий асарларда, даврий матбуот саҳифаларида ёритилаётган мақолаларда, радио ва телевидениеда бериб борилаётган эшиттириш ва кўрсатувларда турлича фикрлар, қарашлар билдирилмоқда. Аввало, **«истиқлол мафкураси», «давлат мафкураси», «жамият мафкураси», «миллий ғоя»** ва **«миллий мафкура»** каби тушунчалар кенг қўлланилмоқда.

Хўш, бу тушунчалар бир хил мазмунга эгами? Уларни ёнма-ён қўллаш ўринлими?

Бизнингча, ана шу саволлар жавоби хусусида жиддий ўйлаб кўриш зарур. Зеро, бу методологик аҳамиятга эга масаладир. Уни ижобий ҳал қилмаслик, яъни фойдаланилаётган тушунчаларнинг аниқ мазмуний чегарасини тўғри белгилаб олмаслик назарияда чалкашликни, амалиётда эса, турли салбий оқибатларни келтириб чиқариши эҳтимолдан холи эмас. Ҳеч кимга сир эмас, собиқ совет империяси даврида «миллатчилик» тушунчасининг мазмуний қамров доираси сунъий тарзда кенгайтириб юборилганди. Оқибатда ўнглаб бўлмас фожиаларга, ўрнини қоплаш қийин йўқотишларга йўл қўйилганди. Буни асло унутмаслигимиз лозим.

Ҳамма нарса ўзаро қиёсда ойдинлашади. Хусусан, «истиқлол мафкураси» билан «истибдод мафкураси» тушунчасини бир-бирига солиштирсак, уларнинг аниқ мазмунини, туб моҳиятини осонгина илғаб оламиз.

Истибдод маълум бир халқ (давлат) ўзининг иқтисодий, сиёсий, маданий, геостратегик каби тор манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бошқа халқ (давлат)ни босиб олишга интилган ёки босиб олган, унинг миллий маданиятини, тилини, урф-одатларини йўқ қилишга ҳаракат қилган, ўз дунёқарашини барча соҳаларга **зўрлик** йўли билан сингдиришга уринган жойда юзага келади. Бундай тафаккур тарзи ва амалиётининг гўёки тўғри эканлигини ҳар томонлама асослашга, тушунтиришга, адолатли деб баҳолашга, ушбу нобоп ғояни кенг омма онгига сингдиришга, ишғол қилинган халқ (юрт)ни турли йўллар ва воситалар билан тутқунликда сақлашга қаратилган назарий қарашлар тизими истибдод мафкураси деб аталади.

Инсоният босиб ўтган тарихий йўлга назар ташласак, истибдод мафкураси ирқчилик, фашизм, мумтоз миллатчилик мафкуралари кўринишларида намоён бўлганини кўрамиз. Улар айрим жиҳатларига кўра бир-биридан қисман фарқланса-да, моҳиятан тўқиб чиқарилган, ҳеч қандай илмий заминга эга бўлмаган сохта мезонлар асосида **тенгсизлик** ғоясини асослашга қаратилгандир. Афсуски, инсоният келажагига, унинг бир бутунлигига хавф соладиган бундай мафкура шакллари ҳозир — янги минг йиллик бўсағасида ҳам дунёнинг турли бурчакларида ўзининг мудҳиш асоратларини кўрсатиб турибди.

Истиқлол мафкураси, шубҳасиз, истибдод мафкурасидан фарқли ўлароқ, миллатни, давлатни мустақил тараққиёт йўлига бошлайдиган, унинг йўналишларини белгилаб берадиган, Ватаннинг эркин ва озод равнақ топишини таъминлашга қаратилган ғоялар ва қарашлардан иборатдир. У мустақилликка эришгунча ва ундан кейинги даврда ўзига хос аҳамият касб этади. Биринчи босқичда истибдод мафкураси ва амалиётига қарама-қарши равишда шакллана бошлайди. Бу даврда мустамлакачилик тузумининг ҳақиқий башарасини очиб ташлаш, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маданий соҳаларда миллат манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий уйғонишни таъминлаш, шу тариқа миллий давлат мустақиллигини қайта тиклаш ёки унга эришиш учун курашни ғоявий-назарий жиҳатдан асослаш ва халқ онгига сингдириш асосий вазифалардан ҳисобланади. Жаҳон тажрибаси истиқлол мафкураси тараққиёт йўли билан сиёсий мустақилликка эришиш мумкин бўлмаган ҳолларда қурол кучига таянадиган кучли миллий озодлик ҳаракатининг майдонга чиқиши учун замин тайёрлашидан далолат беради.

Масалага шу жиҳатдан ёндошсак, жадидчилик ҳаракати намоёндалари томонидан илгари сурилган қарашларни ҳам истиқлол мафкурасининг ўзига хос бир кўриниши эди, дейиш мумкин. Негаки, миллий тараққиётга фақат сиёсий мустақилликни қўлга киритиш туфайлигина эришиш мумкинлигини англаб етган жадидлар маънавият ва маърифатни юксалтиришни, миллий уйғонишни таъминлашни ўз мақсадлари йўлидаги асосий вазифалар деб билгандилар. Шунга кўра, илғор мамлакатлар илм-фани техникаси, маданияти, санъати, маорифи ютуқларини юртимизда тарғиб-ташвиқ қилиш борасида самарали иш олиб боргандилар.



1917 йил февралида рўй берган воқеалар жадидларнинг эзгу орзу-ниятлари тез орада рўёбга чиқишига имконият туғдиргандай бўлди. Аммо кўп ўтмай содир бўлган Октябр тўнтариши боис воқеалар бошқача тус олди. Шаклланиб келаётган миллий бирлик ва жипслик, миллий озодлик ва тараққиёт ғоялари ўрнига синфий адоват уруғлари сепилди, юксалаётган миллий уйғониш илдизларига болта урилди. Айни пайтда синфий зўрлик, янги кўринишдаги мустамлакачилик сиёсатига қарама-қарши тарзда юзага келган миллий озодлик ҳаракатида ўзаро бирлик ва якдиллик йўқлиги унинг тор-мор қилинишига, таъбир жоиз бўлса, миллий истиқлол ғояларининг кун тартибидан олиб ташланишига сабабчи бўлди.

Истиқлол мафкурасининг пировард мақсадлари рўёбга чиқмаган, миллий озодлик ҳаракатлари шафқатсизларча қонга ботирилган бу каби ҳолатларни жаҳон халқлари тарихидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Шундай эса-да, бундай саъй-ҳаракатлар ҳеч қачон изсиз кетмаган. Янги тарихий шароит ва вазиятларда мустақилликка интилишнинг янги тўлқинларини тайёрлашга хизмат қилган.

Истиқлол мафкураси мустақилликка эришилгандан сўнг ўзгача маъно-мазмун билан бойийди. Унинг бу даврдаги асосий вазифаси қўлга киритилган мустақилликнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асосларини мустаҳкамлашни ғоявий жиҳатдан таъминлашдир. Албатта, бу умумий вазифа миллий истиқлолнинг ҳақиқий моҳиятини фаол тарзда ижтимоий онгга сингдириш, миллий қадриятлар, урф-одатлар, анъаналарни тиклаш, миллий маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш, истибдод мафкураси таъсирида юзага келган иллатларни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан сиқиб чиқаришдек бир-бири билан боғлиқ, аниқ вазифаларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Уларнинг ўзига хослиги, кўлами ва йўналиши миллат босиб ўтган тарихий йўл хусусиятлари, миллий ўз-ўзини англаш ва мамлакат умумий тараққиётининг даражаси, ижтимоий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг мавжудлиги, мустамлакачилик сиёсати қолдирган асоратларнинг моҳияти каби бир қатор ички ва халқаро ҳамжамиятнинг, айниқса, қўшни мамлакатларнинг ёш, мустақил давлатга муносабати каби ташқи омиллар билан белгиланади. Бу омиллар ҳисобга олинмаса, истибдодга қарши курашда маёқ вазифасини ўтаган истиқлол мафкураси ўзининг бирлаштирувчилик, уюштирувчилик ва йўналтирувчилик кучини йўқотади. Мамлакат ички ва ташқи зиддиятлар бўҳронига дучор бўлади ёки ундан ҳам ҳавфлироқ бўлган фуқаролар уруши, минтақавий можаролар сингари жараёнларга тортилиб қолади.

Юқорида баён этилган мулоҳазалардан шундай хулосага келиш мумкин:

**«Истиқлол мафкураси»** тушунчаси миллий ривожланишнинг **муайян** босқичигагина хос бўлган ғоялар ва қарашлар тизимини ифодалайди. Миллий мафкура эса, ўз моҳиятига кўра, миллий ривожланишнинг фақат у ёки бу аниқ босқичини эмас, балки **умуман** миллатнинг мавжудлиги ва тараққиётини таъминлашга йўналтирилган ғоявий қарашлар тизими сифатида юзага чиқади. Бинобарин, «миллий мафкура» «истиқлол мафкураси»га нисбатан кенгроқ тушунчадир. Истиқлол мафкураси миллий мафкуранинг мустақилликни мустаҳкамлашнинг дастлабки давридаги ўзига хосликларини яхлит тарзда ифодаловчи хусусий ҳолати, кўринишидир. Миллий ҳаётимизга тадбиқан оладиган бўлсак, истиқлол мафкураси истибдод мафкураси иллатларига барҳам бериш, Мустақиллик, Эрк ва Озодлик туйғуларини, истиқлолнинг улуғ неъмат эканлигини кишиларимиз онгига сингдириш, миллий бирлик ва ҳамжиҳатликни таъминлаш, халқаро ҳамжамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида барқарор ривожланиш йўлига чиқиб олиш, бир сўз билан айтганда, эришилган мустақилликни ҳар томонлама мустаҳкамловчи, **ўтиш даври** учун аҳамиятли бўлган ғоявий қарашлар тизимигина ифодалайди, холос.

Шу ўринда оддий бир ҳақиқатни ёддан чиқармаслик лозим. Юқоридаги вазифаларни ҳал этиш билан миллий ҳаёт ҳам, тараққиёт ҳам тўхтаб қолмайди. Биз ҳозирдаёқ миллат сифатида ривожланишимиз учун яқин ва узоқ келажакда амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар кўламини тобора теран ҳис қилиб бормоқдамиз. Келажаги том маънода буюк давлат пойдеворини яратмоқдамиз. Буларнинг барчаси ғоявий-назарий жиҳатдан таъминланмоғи, аниқроғи, яратишимиз зарур ҳисобланган мафкурада ўз ўрнини топмоғи даркор. Шундай экан, **«истиқлол мафкураси» ўрнига «миллий мафкура» тушунчасини қўллаш, бизнингча, тўғри ва жўяли бўлур эди.**

«Жамият мафкураси» тушунчасида «истиқлол мафкураси»дагидан фарқли ўлароқ, мафкуранинг моҳияти, йўналиши ўз ифодасини топмаган. Таъбир жоиз бўлса, бундай урғу йўқ. Шу маънода жамият мафкураси тушунчаси ташқи жиҳатдан нейтрал бўлиб, мазмунан истибдодни мустаҳкамлашга ёки йўқ қилишга йўналтирилган бўлиши ҳам мумкин. Демак, «жамият мафкураси» тушунчасини муайян жамиятдаги ҳукмрон ғоявий қарашлар тизимига нисбатан қўллаш ўринлидир.

Жамият турли ижтимоий гуруҳлардан иборат. Баски, унда мафкуравий хилма-хиллик ҳам бўлиши табиий. «Жамият мафкураси» тушунчаси ана шу мафкуравий ранг-барангликнинг умумий ифодаси сифатида ҳам намоён бўлиши мумкинлигини ёдда тутиш лозим.

Ҳозирги матбуот саҳифаларида «миллий ғоя» ва «миллий мафкура» тушунчалари кўпинча синоним сўзлар сифатида ишлатилмоқда. Бу тушунчаларнинг асл нисбати тўғрисида нима дейиш мумкин?

Маълумки, ғоя воқеликни акс эттириш, билишнинг ўзига хос шаклидир. У воқеликни ўзлаштириш, ўрганиш натижасида ҳосил бўлган муайян билим сифатида ўзлигини намоён қилади. Шунинг учун ҳам ғояда воқеликни бундан кейин қай йўналишда ўрганиш зарурлиги ҳақидаги кўрсатма ҳам ботиний тарзда мавжуд бўлади. Зеро, ғоя улкан йўналтирувчилик кучига эга. Масалан, атомларнинг мавжудлиги ҳақидаги ғоя асрлар давомида илмий изланишларни уни топишга, хусусиятларини тадқиқ этишга, дунёнинг тузилишидаги ўрнини аниқлашга йўналтириб келди. Пировардида, атом кашф қилинди ҳам. Натижада инсоният оламнинг тузилиши тўғрисидаги тасаввурларини бутунлай ўзгартирди.

Ғоянинг ўзига хос кўриниши ҳисобланмиш ижтимоий ғоя шу билан бирга ташкилотчилик буюк ташкилотчилик вазифасини ҳам ўтайди. Айни чоғда, табиий-илмий ғоялар жамият тараққиётида аксарият ҳолларда билвосита, ижтимоий ғоялар эса, ижтимоий жараёнларга бевосита таъсир ўтказа олади. Соддароқ қилиб айтганда, ўзига хос катализаторга айланади. Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам бир нарсани унутмаган маъқул. Бошқа кўринишларини инобатга олмаганда ҳам, ижтимоий ғоя кимнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлигига қараб жамият тараққиётига турлича, хусусан, ўта салбий таъсир қилиши эҳтимолидан холи эмас. **«Миллий ғоя миллатни, халқни бирлаштиришга қаратилиши керак. Миллатни бўлиб ташлашга асос бўладиган ғоя бузғунчи ғоядир»,** — дейди бу ҳақда Президентимиз.

Тарихда миллатни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган бузғунчи ғоялар ҳам кўп бўлган. Чунончи, «Немис миллати олий ирққа мансуб, шу боис дунёга ҳукмронлик қилиши зарур», деган ғояни эсланг. У нафақат немис халқи, балки бутун инсоният тақдирида ҳам фожиали из қолдирди.

Юқоридаги хусусиятларни эътиборда тутсак, **«ижтимоий ғоя»** ва **«ижтимоий мафкура» ҳамда «миллий ғоя»** ва **«миллий мафкура»** тушунчалари ўртасида яқинлик борлиги маълум бўлади. Бироқ бу уларни айнийлаштириш учун асос ҳисобланмаслиги зарур. Нега?

Биринчидан, «идеология» тушунчаси идея (ғоя) ҳақидаги таълимот — «ғоялар тизими» маъносини англатади. Биз идеологиянинг синоними сифатида қўллаётган «мафкура» тушунчаси билан «ғоя» тушунчаси ўртасида бундай ўзак бирлиги ва ушбу атаманинг ўзида у ғоялар тизими эканлигига аниқ ишора йўқ. Шундай бўлса-да, мафкура ҳам ғоявий қарашлар тизимини ифодалаб келади. Демак, мафкура синфий, миллий ёки бошқа бир кўринишга эгалигидан қатъий назар, бир бутун қарашлар, ғоялар тизимидир. У ғояга нисбатан ҳам мазмунан, ҳам ҳажман кенгроқ тушунчадир.

Иккинчидан, ҳар қандай мафкурада ижтимоий воқеликни сақлаб қолишга ёки ўзгартиришга қаратилган мақсадлар зоҳирий тарзда мавжуд бўлади ва мафкуранинг ўзагини ташкил этади.

Учинчидан, ҳар қандай ижтимоий ғоя фақат ва фақат маълум бир мафкуравий қарашлар доирасидагина ўзининг уюштирувчилик ва йўналтирувчилик салоҳиятини, жозибадор кучини намоён қила олиши мумкин.

«Ғоя» ва «мафкура» тушунчалари ўртасида бошқа тафовутлар ҳам бор, албатта. Аммо қайд этилган фарқларнинг ўзиёқ **«миллий ғоя»** ва **«миллий мафкура»** тушунчаларининг айнан бир мазмунда қўллаш ноўрин эканлигини кўрсатади.

Миллий мафкуранинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кейинги мақоламизда фикр юритамиз.

**Абдувоҳид ОЧИЛДИЕВ,**
**фалсафа фанлари номзоди**



Табаррук оналар дуоси

# ЎЗ БАХТИНИ ЎЗИ ЯРАТГАН

*Тадбиркор зиёлилар*

Ванғозида биринчилардан бўлиб тракторчиликни ўрганган ва ўнлаб ёшларга бу касб сир-асрорларидан сабоқ берган Мурод бобонинг ўғли Пўлатнинг орзуси муаллим бўлиш эди. Шу боис унга Бухородаги муаллимлар тайёрлаш институтига кириб ўқишни маслаҳат берди.

Ота сўзидан чиқмаган Пўлат Муродов кўп ўтмай Қизилтепа туманидаги энг яхши ўқитувчилар сафидан жой олди. У олий ўқув юртини битириб келган дастлабки йилиёқ мактабда кимё-биология кабинети ташкил этиб жиҳозлади.

— Мен мактаб остонасига қадам қўйган олтмишинчи йилларда, — дея эслайди Пўлат Муродов, — ўқувчиларга касб-ҳунар ўргатиш бўйича махсус дастурлар бору, лекин шароит етарли эмас эди. Мен аввал оддий муаллим, кейинроқ эса директорнинг ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари сифатида ички имкониятлар ҳисобидан ёшларнинг касб-корга қизиқишини кучайтиришга эътиборни оширдим. Шу ниятда ёғоч, тахта, шиша, металл кесувчи, турли-туман безаклар ясовчи асбоб-ускуналар излаб топдик. Р. Сатторов, Ғ. Расулов, Қ. Қурбонов каби янгиликка интилувчан ҳамкасбларим ёрдамида иссиқхона барпо этдик ва бу ерда эртанги сабзавот маҳсулотлари етиштиришни йўлга қўйдик.

— Табиат — инсоннинг онаси, — дея сўзлашда давом этди Пўлат ака. — Минг афсуски, бундан йигирма-ўттиз йил аввал кўплар бу мавзуда гапиришни ҳам истамасди. Шу боис ҳам Ўртачўл, Қоровулбозор, Қутчи, Маликчўл каби яйловлар оёқости қилинди, турли хил ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига қирон келтирилди.

Биз ўша йилларда табиатни муҳофаза қилиш ташаббуси билан чиқдик. Бу соҳадаги аҳволни чуқур таҳлил этиб, маърузалар тайёрладик ва вилоят ҳамда республика педагогик ўқишларида қатнашдик. Бироқ қизил империя ҳукмрон бўлган даврда бизнинг ташвишли овозимизни эшитувчилар топилмади!

...У ором билмайди, баъзан миясида пишиб етилган, қалбини безовта қилиб келган ўй-фикрларни рўёбга чиқаролмай хуноби ошса, гоҳо ўз «кашфиёт»идан боши осмонга етган онлардан лаззат олар, ҳузур қиларди.

Пўлат ака қарийб йигирма йилдан буён асаларичилик билан шуғулланмоқда. Асаларичиликдан ҳар йили катта даромад олиб келаётган Кураш Боймуродов, Комил Қораев, Ғафур Бўронов, Усмон Остонов каби тадбиркорлар уни ўз устозлари деб билишади.

— Одамлар бойиса, мамлакат бой бўлади, — дейди Пўлат ака. — Буни юртбошимиз доимо таъкидлаб келяпти. Томорқадан, шахсий молларимиздан кўп ва арзон даромад олиш муҳим. Бунга алоҳида диққат қилаётган кишиларнинг бой ва бадавлат яшаётганликларининг сири ҳам ана шунда. Буни фаҳмламаганнинг нони ҳеч қачон бутун бўлмайди!

Тиниб-тинчимас мураббий бу оддий ҳақиқатни асло унутмайди. Фарзандларини ҳам шунга даъват этади. Шу боис ҳам рўзғор учун зарур деярли барча маҳсулотларни ўзлари етиштиради. Турли хил сабзавот, картошка, мева, узум, сут, қатиқ, ёғ, тухум, асал, буғдой, ҳатто ёғоч етиштириш ҳам бу оилада доимий ишга айланиб қолган. Тадбиркорлар сардори бир гал Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти олимлари билан бамаслаҳат батат деб аталувчи картошка етиштириш устида иш олиб бораётганлигини мамнуният билан сўзласа, гоҳ картошка экинини чилпиш йўли билан ундан мўл ҳосил олиш усуллари ҳақида завқланиб гапиради. Узумчилик ва ғаллачилик равнақи бўйича ҳам П. Муродовнинг ўзига хос қарашлари борки, унга амал қилганлар фақат фойда қилишлари шубҳасиз.

Башир қишлоғини ободонлаштиришда қишлоқ аҳлини қовуштириш, тўй-маъракаларни, турли маросимларни ҳамжиҳат бўлиб камчиқим ва мазмундор ўтказишда, кам даромадли оилаларга иқтисодий мадад беришда ҳам Пўлат ака бош-қош.

Турмуш ўртоғи Фазилат опа билан ўз бахтини ўзи яратган Пўлат Муродов ҳаёти ва ишлари ҳақида узундан-узоқ гапиришларини хуш кўрмайди. Шу сабаб биз ҳам камсуқум, мулоҳазали, етти ўлчаб, бир кесадиган инсон ҳаёт китобининг айрим саҳифаларини варақладик, холос. Унинг бола тарбияси, шогирд тайёрлаш муаммолари, ёру дўстлари билан ҳамкорлик, тўйларни ўтказиш, инсоний фазилатлар, одоб-ахлоқ, ҳатто китоб танлаш ва уни мутолаа қилиш хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ва бу борадаги ижобий амалий фаолият ҳикоясини четлаб ўтишга тўғри келди. Шунга қарамай, Пўлат Муродов яратган мактаб бугун фақат Қизилтепада эмас, Қашқа ва Сурхон воҳаларида, Бухоро ва Самарқандда ҳам довруқли эканлигини алоҳида таъкидлашни истардик.

**Умид САТТОРОВ**



«Қишбоғи»миз ҳосилга кирди…



Тўрақўрғон термослари

# ЎЗЛИКНИ ЎРГАНИШ ҲУҚУҚИ

### БЕШ БОЛАЛИК БЕКЛАР КИМ БЎЛИШГАН?

Бундан анча олдин бир синфдошим ўрта мактабни битириш арафасида аризабозлик қила-қила туғилганлик ҳақидаги гувоҳномасини алмаштирди. Шу асно отасининг исмидаги «бек» қўшимчасини олдиртириб ташлади. Мен ажабланиб, «Нега бундай қилдингиз, сиз ахир Жаҳонбек отанинг фарзанди Жаҳонбеков эдингиз-ку?» — дедим. Синфдошим: «Агар «бек» сўзи бўлса, фирқага олишмас экан, фирқа аъзоси бўлмасангиз, «ўсмайсиз», тушундингизми», — дея эътироз билдирди. Айтишларича, шўро босқинчилари юртимизни босиб олган дастлабки йиллари «Аҳмадбек, аравани отга қўшинг!» — деб буюрган колхоз раисига қизил аскарлар «Қани бек?» деб милтиқ ўқталган эканлар.

Хўш, беклар ким бўлишган? Нима учун айрим жойлар, масалан, Фарғона вилоятининг «Бешбола» қишлоғидаги маҳаллалардан бири «Беклар» деб аталади?

Дунё кўрган боболарнинг айтишларича, Қубо-Фарғона карвон йўлининг Фарғона шаҳридан чиқаверишида бир тепалик бўлиб, беш ўғил боласи бор оила кўчиб келиб, шу ерни ватан қилган экан. Тепалик атрофлари қамишзор, тўқай бўлган. Шаҳарга кираётганлар ва шаҳардан Қубо томон йўл олаётганлар тепалик олдида нафас ростлаган, у йўловчилар учун қўналға вазифасини бажарган.

Бу жой серсув, тупроғи эса унумдор бўлган. Шу боис одамлар кўчиб кела бошлаган. Кейин аста-секин маҳалла шаклланган. У «Бешбола» номи билан аталган. Беш оға-иниларнинг исмлари Юсуфбек, Мардонбек, Кушбек, Оқбўтабек, Холбўтабек бўлган. Вақти келиб, Юсуфбек Самарқандга, Кушбек Тошкентга кўчиб кетган. Уларнинг ота-оналари исми ва қаерданлиги номаълум. Балки Қубо, Самарқанд ёки Тошкент беклигидандирлар. Бизга фақат бир нарса аниқ: беш ўғлоннинг ҳар бири бештадан ўғил кўрган.

Ушбу сулоланинг учинчи авлодидан кейингиларининг исмига «бек» ўрнига нима учун «жон», «дин» қўшимчалари қўшилгани сабаби ўзингизга маълум бўлса керак.

«Бешбола» қишлоғининг «Беклар» маҳалласидаги жамики номдор беклар мустақил фикрга эга, меҳнаткаш, ишнинг кўзини биладиган, халқни ўз ортидан эргаштира оладиган, мағрур, халқпарвар инсонлар бўлишган. Ўз-ўзидан аёнки, бунда кишилар чор империяси зулмига қарши бош кўтаришган. Натижада қатағонга учраганлар.

### МАМАЖОН МЕЪМОР ҚИСМАТИ

Марғилон беклари қавмидан бўлган уста Мамажон ота тақдир тақозоси билан Султонбек Абдурайимбек ўғлининг Адолат отин исмли қизига уйланади. Султонбек Мамажоннинг нафақат меъмор, балки ажойиб боғбон эканлигини ҳам билгач, унга Қува йўли бўйидаги ҳозирги «Ғайрат» маҳалласи марказидан уч гектардан ортиқ ерни сотиб олиб беради. Уста шу ерни ватан тутади. Аввало, турар-жой, меҳмонхона, жувозхона, ошхона, болахоналар қуради. Майдон атрофини етти пахсали девор билан ўраб, устини четан қилдиради. Кейинчалик бу ерда маҳалла чирой очади. Янги кўчиб келганлар ундан паноҳ топади. Аёллар дашт тошини териш, мевали дарахтлар уруғини ундириб, парваришлаш билан, эркаклар ер тайёрлаш, деҳқончилик ва кўчатчилик билан шуғулланганлар. Сармоялари кўпайгач, масжид, меҳмонхона курганлар. Маҳалла қабристони учун ер сотиб олганлар. Бирга яшаб, бирга меҳнат қилганлар. Топилган маблағни бамаслаҳат сарфлаш, муҳтожларга кўмаклашиш бекларга хос фазилат ҳисобланган. Уста жаннатмакон боғ ва гулзорлар барпо қилган. Айтишларича, у киши ўрик, гилос, олма, нокнинг 100дан ортиқ навини, атиргулнинг қирққа яқин турини яратган. «Мадёрбек ҳожининг нокки» деб аталган, ҳар донаси 1-1,5 килограммлик тош босадиган хушбўй, тилла ранг нокни, Хитой олмасини, нашвати нокни, катталиги луччак шафтолидан қолишмайдиган муаттар исли «сойбўйи оқ ўриги»ни кўпайтирган. Шу билан бир қаторда, узум, гилос, шафтоли, ўрик ва олманинг янги навларини яратиш устида изланган. Марҳум Адолат отиннинг эслашича, уста Амир Олимхоннинг ёзги қароргоҳи бўлмиш «Ситораи моҳи Хоса» қурилаётганини эшитганида, ўзи етиштирган кўчатлардан бир қанчасини у ерга олиб борган экан. Шу тариқа Бухорои шарифни зиёрат қилиб келган.

Инқилобнинг дастлабки йилларида маҳаллий ҳукумат ўша даврнинг каззоб ўғриси Мамажон қорани сиртдан ўлим жазосига маҳкум этади. Маъмурларга уни тутиб, отиб ташлашни буюради. Салла олиб кел деса, калла келтирадиган шўро югурдаклари ҳе йўқ-бе йўқ Мамажон меъморни отиб ташлайдилар.

### РАҲМАТБОЙВАЧЧА НЕГА ҚАМАЛГАН?

Уста Мамажон Адолат отин билан турмуши давомида Кароматой, Саломатхон, Раҳматжон, Маҳбубахон, Толибжон исмли фарзандлар кўрган. Улар орасида Раҳматжон илмга чанқоқлиги боис (у бошланғич билимини отаси ва онасидан олган) иқтидорли 13 бола сафида Қўқондаги Қори Ниёзий мактабида ўқиётган эди. Отасининг ўлимини эшитиб, Фарғонага қайтади ва оилани бошқара бошлайди. Оқибатда бугун 12 қалдирғоч деб аталмиш гуруҳга кирмай қолади. Шундай эса-да, саводхонлиги боис ҳозирги Орзиҳожи маҳалласидаги мактабга мудирлик қилади. Ўша кезлар республика раҳбари бўлган Файзулла Хўжаев деҳқончилик ишлари билан танишиш мақсадида куз пайти водийга келади. Фарғонага кираверишдаги «Ғайрат» маҳалласида Мамажон меъмор асос солган гузар колхоз идораси бўлгани сабабли, шу ерда тўхтаб, деҳқонлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Раҳматбойваччанинг ҳовлисига кириб, ишкомдан ўз қўли билан бир шингил узум узиб ейди. Отанинг меъморчилик ва боғбонлик санъатига таҳсин айтади. Кетар чоғи Раҳматбойваччага «Отангиз руҳини шод қилиб, унинг ишларини давом эттиринг. Бу боғ эл ризқи, уни асрабавайланг, ёрдам керак бўлса, менга учрашинг», дейди. Бироқ кўп ўтмай Файзулла Хўжаев «халқ душмани» деб эълон қилинади. Фурсатни ғанимат билган ғанимлардан бири «Раҳматбойвачча «халқ душмани» Файзулла Хўжаев билан шахсан 30 дақиқа суҳбатлашди» деган мазмунда чақув хати ёзади. Қарабсизки,

*Тарих — ибрат*

Раҳматбойвачча ҳибсга олинади ва 11 йил Тундра лагерларида сиёсий маҳбус сифатида жазо муддатини ўтайди. Сўнг қишлоғига қайтади. Қараса, оиласи барбод бўлган. Боғи чорва фермасига айлантирилган, ёлғиз иниси Толибжон зўравонлар зулмидан безиб, ўзга жойларга бош олиб кетган. Сингиллари ҳам «бойнинг қизи», «отаси қулоқ» деган тавқи лаънатдан қочиб, Марғилон, Қоратепа ва Тошлоқ томонларга кетиб қолишган. Уни танҳо муштипар онасигина алам ва надоматлар билан кутиб олади.

Сал ўтмай Раҳматбойвачча устози А. Исмоилов ёрдамида колхозга ишга киради. Кейинчалик боғ бригадири, ферма мудири, қурилиш бўйича раис муовини вазифаларини бажаради. Шу орада иниси Толибжон ўқишни битириб, ҳуқуқшунослик касбини эгаллайди. Ака-ука маслаҳатлашиб, судга мурожаат қиладилар. Ахийри отамерос жойларига эга бўладилар. Ҳар томонга тарқаб кетган сингилларини кўчириб келиб, уларга ҳам тегишли улушларини берадилар. Толибжон Тошкент, Ангрен, Чирчиқ шаҳарларида халқ суди раиси лавозимларида ишлади. Ҳозир унинг касбини ўғли Баҳодирбек давом эттирмоқда.

Оталар босган излар қадр топмоқда. Гулшан боғларни эндиликда фарзандлар яшнатмоқда.

**Омонжон ҲОШИМОВ**

